



ҚҮЛЛАШ БҮЙИЧА ЙЎРИҚНОМА ДИСТРЕПТАЗА® DISTREPTAZA®

Препаратнинг савдо номи: Дистрептаза®

Таъсир этувчи моддалар (ХПН): Стрептокиназа, Стрептодорназа

Чиқарилиш шакли: 6 ректал шамчалар блистерда, 1 блистердан картон қутида.

5 ректал шамчалар блистерда, 2 блистердан картон қутида.

Таркиби

1 шамча сақлайди:

фаол моддалар: стрептокиназа 15000 ХБ, стрептодорназа 1250 ХБ;

ёрдамчи моддалар: парафин мойи ва витепсол Н₁₅

Фармакотерапевтик грухси: Колопроктологияда қўлланадиган воситалар

ATX коди: B06AA55

Фармакологик хусусиятлари

Препарат иккита фаол субстанция сақлайди: стрептокиназа ва стрептодорназа. Стрептокиназа одам қонидаги плазминоген проэнзимининг активатори ҳисобланади ва стрептокиназа таъсири остида плазминга айланади, у одам қонининг лахталарини эритиш хусусиятига эга.

Стрептодорназа энзим ҳисобланади, у тирик хужайраларга ва унинг физиологик фаолиятига таъсир кўрсатмай, ўлик хужайраларни ёки йириングнинг ёпишқоқ нуклеопротеинлари ёпишқоқ массасини эритиш хусусиятига эга.

Препарат дори воситаларининг яллиғланиш ўчоғига киришини енгиллаштиради.

Қўлланилиши

- бачадон қўшимчаларини сурункали яллиғланиши;
- кичик чаноқ аъзоларининг операциядан кейинги инфильтратив шикастланишлари;
- бачадон шиллиқ қаватини яллиғланиши;
- ўткир ва сурункали кечувчи геморрой;
- катта яллиғланиш инфильтрати билан тўғри ичак олди абсцесслари ва оқмалари;
- йирингли каудал кисталар;

Қўллаш усули ва дозалари

Катталарда касалликнинг оғир кечишида:

1 шамчадан кунига 3 марта биринчи 3 кун давомида, сўнгра

1 шамчадан кунига 2 марта 3 кун давомида, сўнгра

1 шамчадан кунига 1 марта 3 кун давомида.

Катталарда касаллик оғирлигининг енгил ва ўртacha даражасида:

1 шамчадан кунига 2 марта 3 кун давомида, сўнгра

1 шамчадан кунига 1 марта 4 кун давомида, ёки

1 шамчадан кунига 2 марта 2 кун давомида.

Даволаш курсига ўртacha 8-18 шамча ишлатилади.

Даволаш курсининг ўртacha давомийлиги 7-10 кун.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препарат компонентларига юқори сезувчанлик. Янги жароҳат ёки чок ва билан препарат тегиб турмаслиги керак, чунки бу чокларнинг бўшашишига ва оқибати сифатида жароҳатдан қон кетишига олиб келиши мумкин. Ҳомиладорлик ва лактация даври. 16 ёшгача бўлған болалар.

Ножүя таъсирлари

Айрим ҳолларда аллергик реакциялар, тана ҳароратини күтарилиши, шунингдек қон кетишига мойиллик кузатилиши мумкин.

Ҳар қандай нотитик реакцияларни пайдо бўлиши ҳолатларида албатта препаратни қўллашни давом эттириши хақида шифокор билан маслаҳатлашинг.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Антикоагулянтлар билан бир вақтда қўллаш тавсия қилинмайди, чунки махаллий қон қон кетишлилар пайдо бўлиши мумкин.

Антибиотикларни ёки кимётерапевтик препаратларни яллигланиш ўчоғига ўтишини кучайтиради.

Махсус қўрсатмалар

Болаларда қўллаш тажрибаси йўқ. Препарат янги жароҳат ёки чокларга тегиши керак эмас, чунки бу чокларнинг бўшашибиши ва бунинг оқибати сифатида жароҳатдан қон кетишига олиб келиши мумкин.

Дистрептаза препарати билан даволаш вақтида ҳеч қандай дори воситаларини олдиндан шифокор билан маслаҳатлашмасдан қўлламанг.

Автотранспортни ёки бошқа механизмларни бошқаришда реакция тезлигига таъсири
Таъсир қилмайди.

Препарат болалар олаолмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач ишлатилмасин.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб борилиши ҳолатлари номаълум.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Сақлаш шароити

2°C - 8°C ҳароратда (совутгичда). Музлатилмасин!

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи:

«БИОМЕД-ЛЮБЛИН» Вытвурня Суровиц и Щепёнэк Спулка Акцийна
Университетская юч. 10, 20-029 Люблин, Польша
Маълумот варақасини тузиш санаси – 10.2011 г.